

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Абдураҳманов А.А
ЎзМУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8078734>

РЕЗЮМЕ:

Уибу мақолада электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда электрон тижоратни амалга оширишида тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги қоидалари муҳокама қилинади.

Калим сўзлар: Электрон тижорат, электрон битим, электрон ҳужжат, шартномалар, электрон маълумотлар алмашинуви, рақамли имзо.

РЕЗЮМЕ:

В данной статье рассматриваются правовые нормы Республики Узбекистан и зарубежных стран, регулирующие отношения между участниками предпринимательской деятельности при осуществлении электронной коммерции с использованием электронных документов.

Ключевые слова: Электронная коммерция, электронная сделка, электронный документ, договоры, электронный обмен данными, цифровая подпись.

RESUME:

This article discusses the legal norms of the Republic of Uzbekistan and foreign countries that regulate relations between business participants in the implementation of e-commerce using electronic documents.

Key words: Electronic commerce, electronic transaction, electronic document, contracts, electronic data interchange, digital signature.

Хозирги вақтда бутун дунёда алоқа ва Интернетдан кенг фойдаланилмоқда, бу эса кўплаб ҳужжатларнинг электрон айланишидан фойдаланиш имконини яратмоқда. Дунёда вужудга келган эпидемиологик вазият давлат фаолиятининг барча соҳаларида ҳужжатларни электрон шаклда алмашиш жараёнини сезиларли даражада тезлаштириди. Айтиш мумкинки, мавжуд эпидемиологик вазият тадбиркорлик соҳасини ўзгарган вазиятга фаол жавоб беришга ва бизнес иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг шартлари ва шаклларини ўзгартиришга ундади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, электрон тижоратда ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олиш ва сотиш келажакда уларни анъанавий шаклда амалга оширишдан афзалроқ бўлиши мумкин [1].

Миллий хуқуқий тизимларда электрон тижорат тушунчаси ягона маънога эга эмас. Унинг кўлами турлича бўлиб, миллий қонунчиликда ушбу институтга қай даражада эътибор қаратилиши билан белгиланади. Яъни, агар илгари миллий юрисдикцияларда тижорат хуқуқи мезонлари ишлаб чиқилган бўлса энди улар электрон тижорат мазмунини белгилайдилар. Мисол учун, Европа мамлакатларида бир қатор чекловлар қўлланилади. Нотариал тасдиқлашни талаб қилувчи шартномалар, давлат органларида рўйхатдан ўтишни талаб қилувчи шартномалар, оила ва мерос хуқуқи соҳасидаги битимлар интернет тармоғи орқали тузилмайди [2].

Бироқ, электрон тијорат Интернетдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган турли муносабатларни қамраб олади. Бу нафақат Интернет орқали сотиш, балки хизматлар (тиббий, юридик, бошқа профессионал маслаҳатлар, шунингдек, банк ва молиявий хизматлар) кўрсатишни ҳам ўз ичига олади.

Ушбу мақолада электрон ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда электрон тијоратни амалга оширишда тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга соловчи Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги қоидалари муҳокама қилинади. Ҳозирги вақтда бутун дунёда электрон тијорат фаол ривожланмоқда, у тобора хилма-хил ва кенгайиб бормоқда. Агар электрон тијорат соҳаси ҳақида гапирадиган бўлсақ, у доимо кўплаб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда ва бу, албатта, электрон тијоратга янада кўпроқ қизиқиши уйғотади. Электрон тијорат тадбиркорликнинг муҳим элементидир. Электрон тијоратнинг ҳуқуқий принципи шундан иборатки, шартнома тузган томонлар шартноманинг фақат электрон шаклда тузилганлиги сабабли унинг ҳақиқийлиги ва мажбурийлигига шубҳа қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ҳозирда кунда Ўзбекистон Республикасида “Электрон тијорат тўғрисида”ги қонун мавжуддир. Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тијорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ўзбекистонда электрон соҳасидаги битимларни умумам олганда электрон тијоратни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари нисбатан кам ўрганилган. Мамлакатимизда бу турдаги ижтимоий муносабатлар ўзининг шаклланиш жараёнидадир. Олимлар, иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар электрон тијорат соҳасида юзага келадиган муайян муаммоларга эътибор беришмоқда. Бироқ олимларнинг электрон тијорат муаммосига бўлган қизиқишига қарамай, шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда электрон тијорат соҳасида тузилган битимларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мантикий изчил яхлит назарий концепцияси мавжуд эмас, бу эса қонунчиликни такомиллаштиришга тўқинлик қилмоқда.

Ўзбекистонда қонунчилик ва ҳуқуқий назария АКТ, халқаро электрон айланманинг ривожланишидан ортда қолмоқда. Ҳуқуқий тузилмаларнинг мураккаблиги ва янгилиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув йўқлигига олиб келди, бу эса бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни келтириб чиқарди. Электрон тијорат жараёнида шартномалар тузиш янги, номланмаган шартномалардан фойдаланишни талаб қиласи. Ушбу муносабатларнинг қўшимча мураккаблиги уларнинг «хорижий элемент» иштироки билан боғлиқлиги ҳисобланиб, қўпинча тијорат битимлари иштирокчилари турли юрисдикцияларга тегишли бўлади. Шу сабабли, рақамили иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси беш йил ичидаги энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди [3].

Цивилист олим Р.Ж.Рўзивнинг таъкидлашича фуқаролик ҳуқуқи назариясида тадқиқот обьекти сифатида номланмаган шартнома қонунчилигимизда кўрсатилганидек, “қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган” ибораси билан тавсифланади. Яъни, номланмаган шартноманинг табиати амалдаги фуқаролик қонунчилигимизда унинг белгиланмаганлиги (ном берилмаганлиги)да намоён бўлади. Яна шундай бир факт эътиборни ўзига тортадики, аксарият юридик адабиётларда номланмаган шартнома тушунчаси ФКда номи кўрсатиб ўтилмаганлиги, эътироф этилмаганлиги билан таърифланади [4]. Хусусан, россиялик цивилист олим Н.И.Клейн таъкидлашича, “РФ ГК 421-моддаси 2-кисми ГК да назарда тутилмаган шартномалардан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этади. Айни пайтда РФ ГК 8-моддасида, агар шундай шартнома қўлланилган тақдирда у қонунга зид келмаслиги шарт” [5]. Цивилист олим В.Р.Топилдиевнинг фикрича, янги

технологиялар янги имкониятларни, янги воситаларни, интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш усулларини, хуқуқ эгасига интеллектуал мулк хуқуқларидан фойдаланишдан даромад олиш, ушбу хуқуқлардан фойдаланишнинг янги усуллари ва шаклларини яратади бу эса электрон тижорат соҳасини янада ривожланишига олиб келади [6].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 107-моддасида битим ёзма шаклда тузилиши белгиланган, лекин электрон ёки бошқа техник воситалардан фойдаланган ҳолда битим тузиш хақида норма белгиланмаган. Шунингдек ушбу модданинг З-қисмида хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хошиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлиш, agar қонунчиликда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади деб белгилаб қўйилган [7].

Электрон тижорат соҳасида Ўзбекистон Республикасида қуйидаги хуқукий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган:

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Электрон тижорат тўғрисида”ги 792-сонли қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” 29.04.2004 йилда қабул қилинган 611-II-сонли қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2016 йилдаги 185-сон “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3724 қарори.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги (2015), “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги (2004), “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2020) Фармони ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада хизмат қиласи.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчилик, фуқаролик хукуқининг умумий нормаларига қарамасдан, Интернетдаги муносабатларни тартибга солиш соҳасида ҳали ҳам ривожланишнинг дастлабки босқичидамиз. Қонунчиликни тартибга солиш уни қўллаш амалиётидан анча орқада қолмоқда, бу эса назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқаради. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш йўлида юзага келадиган хуқукий тўсиқлар орасида маҳсус қонунчиликнинг тарқоқлиги ва бирлаштирилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ўз навбатида электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларни ўрганиш заруриятидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни қабул қабул қилинган бўлиб, унда, қуйидаги қоидаларни акс этилган:

– электрон тижоратда шартномалар тузиш жараёнида электрон хабарларнинг мақомини шакллантириш ва батафсил баён этиш;

– электрон тижорат соҳасида илғор хорижий ҳуқуқни қўллаш тажрибасини интеграция қилиш имконини берувчи электрон тижорат иштирокчилари фаолиятини соддалаштирадиган ягона хужжатларни қўллаш амалиётини жорий этиш;

– электрон тижоратни бошқаришда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– истеъмолчининг шахсига доир ва бошқа маълумотлари таркибини аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;

– электрон тижорат соҳасидаги рақамли активлар билан боғлиқ операцияларнинг хусусиятларини акс эттириш.

Электрон тижорат соҳасидаги халқаро ҳуқуқий тартибга солишини қамраб олган асосий хужжатлар 1996 йилдаги “Электрон тижорат тўғрисидаги қонун” ва 2001 йилдаги “Электрон имзолар тўғрисидаги қонун” ҳисобланади[8].

Ушбу қонуннлар қабул қилгунча ўн икки йиллик тайёргарлик кўрилди. 1984 йилда ЮНСИТРАЛнинг XVII сессиясида БМТ Бош котибининг “Маълумотларни автоматик қайта ишлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари” номли маърузасида элестрон тижорат соҳасида қонун қабул қилиш зарурияти борлигини айтиб ўтган эди. [9].

Шундай қилиб, 1996 йилги ЮНСИТРАЛнинг Электрон тижорат тўғрисидаги намунавий қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилиниши учун қуидаги хужжатлар асос сифатида олинди:

- “Маълумотларни автоматик қайта ишлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари” маърузаси (1984);
 - “Компьютер ёзувларининг ҳуқуқий қиймати” (1985);
 - “Электрон воситалар ёрдамида шартномалар тузишга оид ҳуқуқий масалаларни дастлабки ўрганиш” (1990);
 - “Электрон маълумотлар алмашинуви” (1991);
 - “Электрон маълумотлар алмашинувининг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида”ти намунавий қонун лойиҳаси (1994). [10].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш имкониятлари йилдан йилга ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ривожланиши миллий ишлаб чиқарувчиларимизга янги бозорлар очиш, янги мижозлар топиш имкониятларини яратади. Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича танланган ва амалдаги йўлдан тўғри бориш, келажакда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон бозорининг етакчи вакилларидан бирига айлантиради. Ўзбекистонда элестрон тижорат бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танланганлиги ҳалқ фаровонлигида, жамиятимизнинг тараққий топишида, иқтисодий ривожланишимизда ўз аксини топади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Яковенко А. (2019). Гражданко-правовая специфика сделок в электронной коммерции. Обзор законодательства Узбекистана, (2), 33–37. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/12621
2. Ананько А. Электронная форма сделки в международной торговле. <http://www.russianlaw.net/law/doc/a124.htm>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси//<https://president.uz/uz/lists/view>.
4. Р.Ж.Рузиев Номланмаган шартноманинг ҳуқуқий моҳияти. –Т., Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2015 №1. 19-23 бетлар.

5. Клейн Н.И. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). – М.: Юрид.фирма “Контракт”: ИНФРА – М, 2005. – С.945.
- 6.В.Р.Топилдиев Замонавий технологияларни фуқаролик хуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик хуқуқий муносабатларга таъсири // “Фуқаролик хуқуқий фанларини ривожлантириш тенденциялари ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2022. 47-61 бетлар.
7. Топилдиев В. “Фуқаролик хуқуқи”. I қисм. “Университет”. -Т.: 2014.-288 б.
8. Ананько А. Электронная форма сделки в международной торговле. <http://www.russianlaw.net/law/doc/a124.htm>
9. Официальные отчеты Генеральной Ассамблеи, тридцать девятая сессия, Дополнение № 17 (A/39/17) (1984 год), Ежегодник ЮНСИТРАЛ, том XV: 1984 год R.86.V.2
10. Doing E-commerce in Europe. // Baker & McKenzie, 2001. P. 3.